

Амир Темур давлатининг дипломатик алоқалари

Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишга оид кўплаб илмий тадқиқотлар яратилган. Бироқ улар орасида Амир Темурнинг йирик давлат арбоби сифатида дипломатияга оид фаолияти етарли даражада ўрганилмаганлиги кўзга ташланади.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, (1370) фаолиятининг дастлабки йигирма йилини ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва Мовароуннаҳрни юксалтиришга бағишлади. Бунинг учун ундан кўпроқ нозик дипломатик муносабатлар олиб бориш талаб этилди. Амир Темур дипломатиясида мутафаккирлар, файласуфлар, олимлар, давлат раҳбарлари, санъат арбоблари билан турли хил учрашувлар ўтказиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

У давлатлараро дипломатик муносабатларда малакали таржимонлар танлаш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътиборини қаратди. Амир Темур дипломатиясида **музокара олиб бориш санъати** юқори савияга кўтарилди. Бундай нозик дипломатик музокаралар душман билан тинчлик сулҳи тузишда ёки уни ўз томонига оғдиришда, мақсадли шартлар кўйишда мамлакат обрўини янада оширган.

Темур дипломатиясининг маънавий-ахлоқий асосини ислом дини арконлари ташкил этади ва мазмунан қадимий турк дипломатияси анъаналари билан боғланиб кетади. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” дидактик қомуслар китоби ҳам дипломатик муносабатларида назарий асос вазифасини ўтаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Темур дипломатия муносабатларининг ўзига хос томонларидан бири, у ўзининг барча мурожаатларида, қатъий талаб шаклида ёзилган номаларида ҳам **шарқ дипломатияси этикетларига** тўла риоя қилади.

Амир Темур салтанат девонида махсус дипломатия корпуси тузилган бўлиб, унга ҳар томонлама маълумотли ва бир неча тилларни яхши билган кишилар жалб этилган. Уларга Соҳибқиронга дўстона муносабатда бўлган ва душманлик руҳида турган мамлакатлар вакиллари билан музокара олиб бориш вазифаси юклатилган эди.

XIV асрнинг охирида Евроосиёда олтита йирик сиёсий бирлик юзага келди: Амир Темур давлати, Олтин Ўрда, Миср, Рум мамлакати, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Хитой. Амир Темур ва ундан кейин ҳокимиятга келган ўғли Мирзо Шоҳрух улар билан ҳам дипломатик алоқалар олиб борганлиги ҳақида ёзма маълумотлар сақланиб қолган.

Амир Темурнинг Миср, Рум ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан олиб борган дипломатик муносабатлари ҳақида унинг ғарбга қилган юришлари баёнида сўз боради. Масалан, Темурнинг дипломатик алоқаларида унинг Миср султонлари билан ёзишмалари, уларнинг бир-бирлари билан элчихоналар айрибошлаш Соҳибқироннинг юқоридаги ёзишмаларидан аввал, унинг Ироқдаги Миср султони ва уларнинг вассалларига юборган номалари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мактубларида Темур ўз қудратини намоён қилишга интилади, ноибларни марказга бўйсунмасликка даъват этади ва шундай қилиб, унга бўйсунсалар, уларнинг мавқеи сақланиб қолинажаклигига ишора этилади (*Қаранг: Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.: 1996. 40-б*).

Амир Темур давлати билан Рум давлати ўртасидаги муносабатлар ҳақида Шарофуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” сида ёзганларига қараганда, Рум подшоси Йилдирим Боязид илгарироқ Соҳибқиронга тобелик изҳор этиб, хирож тўлаб турган, Арзинжон волийси Тахуртан қошига элчи юбориб, ундан хирож тўлашни талаб қилган. Амир Темур Рум подшосига бир қанча насихатномадан иборат мактуб йўллайди. Аслида Амир Темурнинг Кичик Осиёни забт этиш нияти бўлмаган ва келишмовчилик Боязиднинг киборлиги ва унинг Амир Темурни

менсимаслиги сабабли юзага келган эди. Чунки ғалабадан сўнг, Амир Темур Рум султонлигини Боязиднинг ўғилларига топширди.

Амир Темурнинг ташқи сиёсат борасидаги дипломатик фаолияти ҳақидаги нашрларда Самарқанд Ғарбий Европа давлатлари билан ташқи сиёсий алоқалари Темурнинг шу давлатлар жумладан, Византия ва Франция раҳбарлари билан ёзишмалари кўриб чиқилган (*Қаранг: Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т., 1996. – Б. 40*)

Амир Темур билан Европа давлатлари қироллари ўртасидаги дипломатик ёзишмаларнинг бир қисми бизгача етиб келган ва улар Франция, Англия, Италия каби давлатлар кутубхоналарида сақланмоқда. Бу хатлар илмий тадқиқот объекти бўлган ва бошқа тилларга таржима ҳам қилинган. Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га юборган мактублари, Франция қироли Карл VI нинг ва Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган хатлари, Мироншоҳнинг Европа давлатлари қиролларига жўнатган мурожаатномаси ана шулар жумласидандир. Соҳибқироннинг Испанияга юборган элчиларига жавобан Испания қироли Руи Гонсалес де Клавихони Амир Темур ҳузурига юборади.

Ҳозирги замон дипломатиясида А. Темур дипломатиясининг услуб ва усулларидан кенг фойдаланилмоқда. А. Темур томонидан бошқа давлатлар арбоблари билан бўлган муносабатларда қўлланган дипломатик усуллар ва уларнинг айрим нозик жиҳатлари назарий ва амалий томондан чуқур ўрганишга арзигуликдир.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Амир Темур давлатида етук халқаро дипломатия анъанаси шаклланган бўлиб, ўзи унинг барча қоидаларига тўла амал қилар эди. Унинг давлатида халқаро элчилик ва савдо-сотиқ бобида олиб борилган ишлар, авлодлари томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди.